

Дастхатнинг атайин ўзгартирилиши. Тез ёзувли ниқоблаш

Хатнинг атайин ўзгартирилиши ёзувчида мавжуд бўлган ёзма ҳаракат кўникмасининг ўзгариши билан боғлиқ. Ёзувдаги ҳаракатларнинг стереотиплигини аниқловчи кўникма тизими бутунлай бузил-майди ва охириги сақланиб қолади. Атайин ўзгартирилган дастхат билан бажарилган қўлёзмаларда аломатларнинг икки гуруҳи акс эттирилади - стереотип ҳаракатларнинг бузилиши натижасида пайдо бўлган «ўзгарган» ва ёзувчининг оддий дастхатига хос «ўзгармаган».

Қўлёзмада дастхатнинг ўзига хос аломатларининг мавжудлиги, хатшунослик экспертизаси методикасининг асосий қоидаларига мувофиқ, атайин ўзгартирилган дастхат тадқиқотини ўтказишга имкон беради. Шу билан бирга, бундай қўлёзмалар тадқиқоти, ўзгарган аломатларни ўрганиш ва баҳолаш билан боғлиқ ўзига хосликларга эга. Эксперт, ўз навбатида, дастхатнинг ўзгартирилиш фактини ва даражасини, ўзгармаган турғун аломатларни, айрим аломатлар ўзгаришининг бошқа аломатларнинг ўзгаришига таъсир даражасини, дастхат аломатларининг кўп вариантлигини аниқлаш билан боғлиқ саволлар ечимини топиши лозим. Айтиб ўтиш лозимки, атайин ўзгартирилган дастхат билан бажарилган қўлёзма учун табиий бўлмаган аломатларнинг кўп вариантлиги хосдир.

Хат атайин ўзгартирилганда, ёзувчи дастхатнинг умумий ва муайян хусусий аломатларини ўзгартиради. Шунингдек, баъзан ёзма нутқнинг стилистик, лексик, грамматик аломатлари ҳам атайин ўзгартирилиши мумкин. Дастхатни атайин ўзгартириш турлари қуйидаги-ча бўлади:

- тез ёзувли ниқоблаш;
- босма шрифтга тақлид қилиш;
- ёзув қўлининг алмашиши (чап қўл ёзуви);
- бошқа шахснинг дастхатига ўхшатиб ёзиш (иммитация).

Атайин тез ёзувли усулнинг бузилиши билан бажарилган қўлёзмалар тадқиқоти. Тез ёзувли ўзгартириш йўли орқали қўлёзмани бажариш, дастхат тузилишининг эркин, комплекс ўзгаришидир. Бунда ўзгаришга ёзма нутқнинг шаклланганлик хусусиятини ва даражасини акс эттирувчи умумий аломатлар, шунингдек ҳаракатларнинг тузилишини уларнинг траекторияси бўйича акс эттирувчи ва дастхатнинг алоҳида хусусий аломатлари дучор бўлади.

Ёзувчи дастхатнинг ишлов даражасини атайин ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда унинг камайиши кузатилади. Дастхатнинг

ишлов даражасининг камайиши ўзаро боғлиқ бўлган хатнинг ёзиш суръати ва ҳаракатларининг аниқ жойлашиши, мураккаблиги, ўлчами, сийраклик даражаси ва бошқаларнинг ўзгаришига олиб келади. Дастхат чиройли ёза олмайдиган шахсникига ўхшаб кам иш- ловли бўлиб қолади. Ҳаракатларнинг аниқ жойлашишининг бузилиши ҳарф элементларининг чегарасида қабул қилинган йўналишдан четлашишда намоён бўлади (овал ва ярим овал элементларда бурчак- симонлик, тўғри чизиқли элементларнинг бурчаксимонлиги ва эгри чизиқлиги, ҳарфларнинг бошланғич ва якуний қисмларини бажариш- даги ҳаракатларнинг ноаниқлиги) ва бутун қўлёзма давомида ҳарф бирикмалари, сўз ва ибораларни бажаришдаги ҳаракатларнинг но- аниқлиги (ҳарфларнинг баландлиги ва кенглиги бўйича нотекислиги, қияланишининг турғун эмаслиги, баландлик бўйича ҳаракатлар жойлашининг нотекислиги).

Қўлёзманинг алоҳида қисмларида ҳаракатнинг суръати нотекис бўлиб қолади. Қўлёзманинг тез бажарилиши элементларнинг боши ва якунларининг аста-секин қалинлашиши ва ингичкаланишида, ҳарф тузилишларининг соддалашишида, боғланишнинг ошишида намоён бўлади. Секин суръатда ёзилган хат, аксинча, ҳарф элементларининг бош ва якунларининг ўтмаслиги билан тавсифланади. Ҳарфларнинг тузилиши мактаб ёзувларига яқинлашади ёки мураккаблашган вариантлари пайдо бўлади, боғланиши камаяди.

Ўзгартирилган дастхат билан бажарилган хатда матннинг бошланғич қисмига нисбатан кейинги қисмлари тезроқ бажарилишини эксперт ҳисобга олиши керак. Бундай аломат жуда ҳам аҳамиятли, чунки ўзгартирилмаган дастхатда у учрамайди.

Дастхатнинг алоҳида хусусий аломатлари ўзгаришларга дучор бўлади. Кўпроқ бузилишлар қуйидаги ҳарфларда кузатилади:

- «б», «д», «ж», «м», «х» ҳарфларида;
- «ж», «л», «м», «и» ҳарфларидаги элементларни боғлашдаги ҳаракатларнинг шакли;
- «б», «д», «р», «ц», «щ», «я» ҳарфларидаги элементларнинг бошланғич қисмларини бажаришдаги ҳаракатларнинг шакли;
- ҳарф ва уларнинг элементларини бажаришдаги боғланиш турида (узлуксизлиги узлуклига ўзгаради).

Кўрсатилган дастхатнинг хусусий аломатларининг ўзгариши асосан матнни бажаришдаги ҳаракатлар суръатининг секинлашиши, яъни дастхат ишловининг камайиши билан боғлиқ.

Эксперт ёдида тутиши лозимки, агар қўлёзма ҳажми бўйича катта бўлса, унинг алоҳида лавҳаларида, якуний қисмида ўзгартирил- маган дастхатнинг умумий ва хусусий аломатлари сақланиб қолади.

Толиққанлиги натижасида хат жараёнидаги кўриш назорати сусаяди ва ёзувчи ўзинг автоматлашган ҳаракатларига, яъни одатий дастхати- га қайтади.

Қўлёзмада бундай лавҳалар мавжуд бўлганда, эксперт унинг бажарилиши ғайриодатийлиги тўғрисидаги, яъни ёзув жараёнида ёзувчига қандайдир чалғитувчи омилларнинг таъсири борлиги тўғрисидаги саволни ҳал этишда эҳтиёт бўлиши лозим. Қўлёзмадаги бундай лавҳаларни ҳар томонлама ва пухта тадқиқ этиш керак, чунки уларда ижрочи дастхатининг ўзгармаган аломатлари мавжуд бўлиб, шу орқали шахсни айнанлаштириш мумкин.

Ҳаракатларнинг йўналиши ва шаклининг ўзгариши орқали дастхатнинг бузилиши кузатилади. Қўлёзмада эксперт бир пайтнинг ўзида икки ва ундан кўпроқ ҳаракатларнинг турли хил шакли ва йўналишларини кузатиши мумкин. Шундай қилиб, матнда ёйсимон - тўғри чизиқли қаторида тўғриланган ва бир неча бор бурчакли ёки айланали, ёки ҳаракатларнинг эгрисимон шакллари, шунингдек чап айланали ва ўнг айланали ҳаракатларнинг алмашишини учратиш мумкин.

Дастхат қияланишининг ўзгариши. Одатда ёзувчи кўникма ҳосил қилган хат қияланишини тескари томонга, яъни вертикал ёки ўнгдан чапга ўзгартиради. Ўзгартиришнинг бу усулида ҳарфларнинг элементлари ва бирикмалари қияланишининг турғун эмаслиги кузатилади, сатр чизиғи зинасимон бўлиб қолади. Қияланиш ўнгдан чапга ўзгарганда, ҳаракатларнинг бўйи ва эни бўйича чўзилганлиги ва боғланганлиги камаяди.

Хусусий аломатлар, ҳаракатларнинг бошланиш, якунланиш ва кесишиш нуқталарининг нисбий жойлашиши, ҳарф элементлари ва ҳарфларнинг ўзаро боғланишларини бажаришдаги ҳаракатларнинг шаклларида ташқари ўзгариш аҳамиятсиз сақланиб қолади. Бу аломатлар ёзувчи томонидан хат жараёнида онгли равишда назорат қилинади, шунинг учун ўзгаришларга кўпроқ дучор бўлади.

Дастхат ҳарфларининг ўлчамларини ўзгартириш орқали бажарилган ниқоблаш мустақил усул сифатида камдан-кам учрайди. Ҳарфларнинг бўйи ўзгариши ҳаракатларни вертикал бўйича чўзилмаганлигининг ошишида ёки камайишида намоён бўлиши мумкин. Одатда дастхатнинг сийраклик даражаси деган аломатга параллель ўтади, бу эса бўйи ва эни бўйича чўзилганлигини ўзаро боғланган муносабат билан тушунтирилади. Шундай қилиб, дастхатнинг ўлчами катталашганда сийраклик даражаси камаяди, ўлчами кичиклашганда ошади.

Дастхатнинг ўлчами ўзгарганда, хатнинг автоматлашиши сақланиб қолади, хатнинг оддий аломатларида аҳамиятсиз ўзгаришлар

кузати- лади, шунинг учун қўлёзма ижрочисини айнанлаштириш қийин эмас.

Боғланишнинг ўзгариши унинг камайишида, яъни сўзларда ҳарфларнинг узилиб бажарилишида намоён бўлади. Узилиб бажарилиш ҳарфларнинг уларнинг жойлашишида интерваллар билан алоҳида бажарилиши, шу билан бирга, ҳарфларнинг боғланишини ўзида жамлайди. Дастхат боғланишининг ўзгариши айрим ҳолларда дастхатнинг ўлчами ва сийраклик даражасини оширади.

Хусусий аломатларнинг ўзгариши - дастхатнинг бузилиш усуллари билан бири. Ёзувчининг нуқтаи назарига кўра, кўзга яққол ташланадиган аломатлар, яъни у англаб олган аломатлар ўзгартирилади.

Ўзгаришга қуйидаги ҳарфлар дучор бўлади:

- «в», «г», «е», «ж», «и», «м», «л», «п», «р», «т», «у», «ф», «ш» ҳарфларидаги тўғри чизиқли, ёйсимон ва овал шаклли ҳаракатлар эгрисимонга ўзгаради;

- ҳаракатларнинг ёйсимонли шаклига эга бўлган «т», «п», «р», ҳарфларида иккитали бурчаклар пайдо бўлади;

- «ж», «к», «л», «н», «р», «х» ҳарфларида ҳалқасимон ҳаракатларнинг такрорланиши пайдо бўлади;

- ҳарфларнинг оддий боғланиши мураккаблашганда ўзгаради;

- ҳаракатларнинг узлуксиз боғланиш тури интервалига ўзгаради;

- вертикал бўйича ҳаракатларнинг чўзилганлиги ошади.

Ёзувчи дастхатнинг у ёки бу хусусий аломатларини ўзгартириб, уларнинг пайдо бўлиш механизмини билмайди. Шу боис ўзига хос бўлган дастхат аломатининг мажмуини сақлаб қолади. Эксперт бир қўлёзмадаги айрим ҳарфларда, баъзи аломатларнинг ўзгарган ва ўзгармаган вариантлари учраб туришини ёдда тутиши лозим.

Агар қўлёзма тез ёзувли ниқоблаш орқали бажарилган бўлса, ёзма нутқнинг аломатлари (стилистик, лексик, грамматик) ўзгариши мумкинлигини эксперт ёдида тутиши керак ва уларнинг орасидаги номувофиқлигини аниқлаши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugay, Lyudmila. "Biometric identification as an innovation in criminalistics." *Society and innovations, Special 07* (2022): 289.
2. Югай, Л. Ю. "НЕГОСУДАРСТВЕННАЯ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ." *Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями 20-1* (2020): 74-76.